

**Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш – баркамол авлод
шакллантиришнинг бир йўналиши сифатида**

Адолатли ҳуқуқий давлат куриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда фаровон ҳаёт даражасига эришиш – халқимизнинг интилаётган юксак марраларидир. Ушбу олий мақсадларга эришишда жамиятимизда ёшларнинг ўрни ва роли ўзгача. Шу боис ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки паллаларидан бошлаб ўтиш даврининг қийинчиликлари ва мураккабликларига қарамасдан ёш авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бугунги кунда мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда авваламбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш йўлидаги кенг қўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини муҳим принципиал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммага аён”¹. Дарҳақиқат, ёшларга қилинган ғамхўрлик – келажакдаги фаровон ҳаёт учун замин яратиш демакдир.

Жорий - 2008 йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши бундай ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Фикримизча, ушбу йилнинг бундай номланишида чуқур мазмун ва маъно мавжудлиги кўриниб турибди. Шу ўринда айрим сон кўрсаткичларига эътибор қаратиш зарур: мамлакатимизда ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 10 млн. 360 минг нафарни ёки умумий аҳоли сонининг тахминан 40 % ташкил этса, ўттиз ёшгача бўлганлар эса – 17 млн. 80 минг нафарни ёки аҳолининг 64 % ташкил этади.

Мана шу кўрсаткичларнинг ўзи ёшларга доир давлат сиёсатининг субстанциявий элементи доираси қанчалик катталигидан далолат бериб турибди. Шу ўринда мустақиллик йилларида, жумладан ўтган “Ижтимоий ҳимоя йили”да ҳам давлатимиз ёш

* ТДЮИ тадқиқотчиси

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. / Халқ сўзи. 2007 йил 8 декабрь. 243 (4396).

авлоднинг ижтимоий ҳимоясига юқори даражада эътибор ва ғамхўрлик қилганлигини эслаб ўтиш ўринли.

Аввало бундай ғамхўрликнинг ҳуқуқий асослари бирмунча мустаҳкамланганлиги ва такомиллашганлигини таъкидлаш лозим. Ўтган йилда қабул қилинган 26 та қонун ва норматив –ҳуқуқий ҳужжатларнинг деярли барчаси у ёки бу даражада ёш авлодга, уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга алоқадордир. Айниқса, “Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида”ги қонунлар бевосита болалар ва ёшларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ҳамда саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборга сазовордир.

Давлатимизнинг ижтимоий моҳияти кучаяётганидан гувоҳлик берувчи яна бир муҳим ҳолат – бу ногиронларга бўлган ғамхўрликдир. Таъкидлаш зарурки, бу тоифага кирувчи ёшларнинг руҳияти ўзига хос бўлиб, алоҳида ёндашувни талаб этади. Бундай инсонларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, уларда ҳаётга интилиш ҳиссини кучайтиради, жисмоний нуқсонни юзасидан руҳий нохушликни камайтиришга ёрдам беради. Шу муносабат билан ногирон ёшларни нафақат моддий, балки маънан ва руҳан қўллаб қувватлаш - энг муҳим ва олижаноб амаллардандир.

Дарҳақиқат, давлатимизнинг етим, боқувчисидан ажралган, шунингдек, ота-она меҳридан айрилган болаларга, айниқса ногирон болаларга қилаётган ғамхўрлиги алоҳида эътирофга сазовордир. Масалан, ўтган йилда 15 та махсус мактаб-интернат ва “Меҳрибонлик” уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилганлиги, Халқ таълими вазирлиги томонидан “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчиларига салкам 112 миллион сўмлик кийим-бош ва зарурий жиҳозлар олиб берилганлигини қайд этиш лозим.

Шундай тадбирлар сирасига Бухоро шаҳрида 450 нафар ногирон бола иштирок этган Ўзбекистон миллий махсус олимпиада ўйинлари, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида “Мурувват” уйларида тарбияланаётган болалар ўртасида ўтказилган параолимпия мусобақалари, ногирон ампутантлар ўртасида ўтказилган ватандошларимиз чемпионлик унвонига сазовор бўлган футбол бўйича 7-жаҳон чемпионати ўйинларини киритиш мумкин.

Болаларнинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги ишларининг бир савобли кўринишидир. Ўтган йилда чет эллик шифокор мутахассислар ёрдамида 180 нафар бола операция қилиниб, улар ўз туғма нуқсонларидан холи бўлдилар, 22 нафар бемор болалар Германия касалхоналарида даволаниб қайтдилар. Бу масалада мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ билан ҳамкорлиги самарали кечмоқда.

Давлатимиз томонидан бу йўналишда амалга оширилаётган хайрли ишлардан яна бири сифатида, етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминланишини такомиллаштириш ва тартибга солиш мақсадида, 2007 йил 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 247-сонли қарори билан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормалари тасдиқланганлигини, уларнинг шахсий ҳаражатлари учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида пул маблағлари тўлови белгиланганигини таъкидлаш ўринлидир².

Давлатимизнинг ёшларга доир сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши бу ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашдир. Зеро, бугунги кунда мамлакатимизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, улар бутун оилалар умумий сонининг 16 фоизини ташкил этади. Ўтган ижтимоий ҳимоя йилида ёш оилаларнинг турмуш, уй-жой шароитини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, шу мақсадда тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди; “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оилалар учун 1 миллиард 800 сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмол кредитлари, шунингдек, олий таълим талабалари учун таълим грантлари берилганлигини таъкидлаш ўринли³.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари Тўплами. 2007 йил, 48-49сон. 485- модда.(288-289).

³ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. / Халқ сўзи. 2007 йил 8 декабрь. 243 (4396).

Жорий “Ёшлар йили”да амалга ошириладиган олижаноб ишлар ва вазифалар ўтган йилги ишларнинг мантиқий давоми бўлиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ёшларга доир давлат сиёсатининг асосий йўналишларини кўрсатиб бердилар: ёшлар манфаатларини таъминлашни кучайтириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш; таълим соҳасида амалга оширилаётган миллий дастур ижросини янги босқичга кўтариш; ёшларнинг олган билимларини ҳаётга татбиқ этишларига шарт-шароит яратиш; ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлаш кабилардир.

Мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик давлатимизнинг ижтимоий, инсонпарварлик моҳиятидан далолат бериб турибди. Айни пайтда ушбу соҳада муайян ечим кутаётган масалалар мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан ёшларга доир қонунчилик базасини кучайтириш, унинг самарадорлигини кўтариш масаласи долзарбдир.

Жумладан, талаба ёшларга тўлиқ бўлмаган вақт давомида ишлаш учун тегишли иш жойлари ва иш турларини, бундай ишга жалб этишнинг асоси ва тартибини ҳамда кафолатларини белгиловчи ҳуқуқий асос ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу соҳада ривожланган Европа давлатлари амалиётини ўрганиш фойдали бўлиши мумкин.